

АМИР ТЕМУР ВА “ФОЗИЛ ЖАМИЯТ” КОНЦЕПСИЯСИ

Зафар Сайдуллаевич Ботиров

Альфраганус университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақола Амир Темурнинг салтанатида адолат ва иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим ролини таъкидлайди. Амир Темур даврида, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ижтимоий адолат муҳим омил бўлган. Шунингдек, Темур салтанатида савдо-сотиқнинг ривож, хусусан Хитой, Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Араб давлатлари, Рум, Миср ва Европа билан олиб борилган савдо алоқалари тилга олинади. Мақолада Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо алоқаларининг тарихий жиҳатдан таҳлили ҳам мавжуд. Бундан ташқари, Амир Темурнинг сиёсий ва иқтисодий стратегиялари, шунингдек унинг Шарқ ва Ғарбга таъсири ҳақида ҳам маълумот берилган. Мақола Амир Темурнинг ҳукмдорлик даврида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг ўша давр ва кейинги авлодлар учун аҳамиятини ургулайди.

Калит сўзлар: Амир Темур, ижтимоий адолат, савдо-сотиқ, иқтисодий ҳамкорлик, Шарқ ва Ғарб, тарихий таҳлил.

Жамиятдаги адолатни тиклаш ва қўшни жамият (давлат)лар билан муносабатларни тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Амир Темур салтанатида “Фозил жамият” бунёд этиш муҳим омил бўлган.

Шунинг учун, савдонинг ривож учун бор имкониятлар ишга солинган. Натижада шаҳар ва қишлоқ бозорларига Хитой, Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Араб давлатлари, Рум, Миср, Европадан маҳсулотлар оқиб келаверган. Масалан, Хитойдан асосан ипак, ипак матолар, чинни, мушк, олмос, лаъл, марварид, Ҳиндистондан мускат ёнғоқ, занжабил, долчин, қалампирмунчоқ ва бошқалар, Европадан газлама, пичоқлар, шимолий юртлардан эса мум, мўйна, тери, араб мамлакатларидан тайёр кийимлар, шиша буюмлар келтирилган. Ўлкамиздан эса асосан тўқимачилик маҳсулотлари, ип газламалар, ипакли кийимлар, қоғоз, пахта, гуруч, мева, куруқ мева каби қатор маҳсулотлар четга чиқарилган. Савдо ҳажми нечоғлик катта бўлганини шундан ҳам билса бўладики, Клавихо Самарқандда бўлиб турган йили фақат бир ойнинг ўзида биргина Хитойдан 800 туя мол олиб келинган экан. Савдо-сотиқнинг бундай гавжумлиги фақатгина Турон шаҳарларига хос бўлмай, бундай ҳолатни салтанатнинг Табриз, Султония,



Шероз, Исфаҳон, Кирмон, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон, Ироқ, Сурия каби шаҳар ва ўлкаларида ҳам кўриш мумкин эди.

Темурийлар, айниқса, Амир Темури даврида ишлаб чиқариш ва савдо муносабатларидаги ижтимоий адолат масаласи муҳим ҳисобланганини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Яратилган шарт-шароитга, мавжуд тартибларга риоя қилмай, текин даромад кетидан қувганлар жазо топиши ҳеч гап эмасди. Чунончи, Клавихо гувоҳлик беришича, навбатдаги ҳарбий юришдан қайтгач, Амир Темури ўзи йўқлигида шаҳарда аҳвол қандай бўлганини текширган. Шунда бир қатор дўкандорлар, жумладан, қассоблар, этикдўзлар, бошмоқчилар ўз маҳсулотларини ҳаддан юқори баҳода сотганликлари маълум бўлади. Уларнинг иши дарҳол судга берилиб, жазоланадилар, суистеъмол қилинган маблағ эса тортиб олинади.

Манбаларга кўра: Амир Темури ўз кўзи билан кўрган араб тарихчиси ибн Арабшоҳ ёзади: “Амир Темури ...тенги йўқ феъл-атворли, теран мулоҳазали, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ. Амир Темури баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, қадимий паҳлавонлар авлодидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, бўла, ранги оқу қизил юзли, доғсиз, қўлоёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, серсоқол, ўнг оёқ-қўли чўлоқ ва шол, икки кўзи бамисоли икки шамдек бўлса-да, шодлиги билинмас, овози йўғон эди; у ўлимдан кўрқмас, ёши етмишга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин. Бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах, ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулги-ю кўнгилихушликка майлсиз, гарчи сўзда ўзига озор етадиган бирор нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди; у бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган ютуқдан шодланмас эди... Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, нақбу ғорат қилиш ва ҳарам (ҳақиқа) ҳақорат гаплар бўлмасди. У беҳато (нишонга ургувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз даражада бахтли, улуғворлиги ўзига мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, бошига кулфат тушганда ҳам ҳақгўй киши эди...”¹ деб таърифлайди.

“Фозил жамият” қурган соҳиб қирон жамиятдаги савдо-сотик масаларини ҳам зукколик билан таҳлил қилиб борганлиги аниқ.

Амир Темури замонида 6 грамм оғирликдаги кумуш тангалар ва унинг тўртдан бирига тенг 1,5 граммлик кумуш пуллар зарб қилингани айтилади. Шунингдек, муомалада мис пуллар – чақалар ҳам бўлган. Тангалар Самарқанд, Бухоро, Ардабил, Астробод, Дарбанд, Домғон, Мордин,

¹ Қаранг: Темури соҳибқиронлиги... <https://temurtuzuklari.uz/uz/pages/chronicle>

Табриз, Сабзавор, Шероз ва бошқа қатор шаҳарларда зарб қилинган.

Пул муомаласини яхшилаш, мис тангалар қадрини ошириш мақсадида 1428–1429 йили Улуғбек пул ислоҳотини ўтказди. Унга кўра, 1420 йили зарб этилган мис тангалар зарбхоналарга топширилиб, уларнинг ўрнига оғирлиги 1,5-2 баробар кўп бўлган тангалар зарб этилган. Қулайлик учун зарбхоналар Бухородан ташқари Андижон, Қарши, Самарқанд, Термиз, Шохрухияда ҳам ташкил қилинган. Натижада пулнинг қадри кўтарилган.

Амир Темурнинг Яқин Шарқ сиёсий майдонига шахдам кириб бориши бу вақтда усмонийларнинг кучли босими остида қолган европаликларда ўзбек давлатига қизиқиш ва интилишни туғдириши табиий эди. Амир Темур минтақа ва умуман дунёдаги сиёсий вазиятни қанчалар чуқур англаганини 1404 йили Самарқандга кириб келган Испания элчиси Клавихога қарата айтган мана бу сўзларидан ҳам билса бўлади: «Менинг ўғлим сенйор қиролнинг² аҳволлари, соғлиқлари қалай... менинг ўғлим, дунёнинг (нариги) чеккасида яшовчи фаранг қироллари орасидаги энг улуғи Испания қироли юборган мана бу элчиларга қаранглар... мен ўғлим – Испания қиролини дуо қиламан». Ўзбек ҳукмдори мурожаатидаги «ўғлим» оддий мулозаматда қаролим, дегани эканидан келиб чиқилса, Соҳибқирон франклар, яъни европаликларнинг энг улуғ қиролини фарзандидек кўришини билдирган. Яъни уларни Ўилдирим Боязиддан устун кўйган эмас.

Аксинча, усмонийлар етакчисига ёзган хатларидан бирида «Фаранг лашкарига қарши жиҳод фарзини амалга ошириш йўлида ҳаракат камарини (белга) боғлаганинг учун ҳам сенинг мамлакатинг худудига ҳеч бир тажовуз этмадик», ё бўлмаса «ул жаноб ҳеч бир хавотирсиз ўша диёр кофирлари жиҳоди ила машғул бўлаверсинлар. Биз томондан ул тарафга қайси шаклда мақбул бўлса, самий иноят ва кўмак кўрсатилғай» дея унга қарши тажовуз қўлини чўзмаслигини қайта-қайта уқтирган. Ҳолбуки, ўзбек ҳукмдорининг Ўилдирим Боязидга қарши қўшин тортишини истагувчилар етарли эди. Масалан, Ийанис³ Амир Темур элчиларига «Константинопол то шу чоққача Ўилдирим Боязидга тўлаб келган солиқни бундан буён Амир Темурга тўлайди» деб масалани кўндаланг қўйган. Трабзонлик Мануил III⁴ эса, усмонийларга қарши уруш ҳаракатлари бошланса, Соҳибқиронга ҳарбий кемалар билан ёрдам беришини ваъда қилган.

² Бу ерда 1390–1406 йилларда Кастиля ва Леўни бошқарган Энрике III кўзда тутилган.

³ Ийанис — 1390 йилдан Византия шерик-ҳукмдори.

⁴ Мануил III — 1390-1417 йилларда Трабзон ҳукмдори.



Йилдирим Боязид енгилгандан сўнг эса, Константинополь ҳам, Трабзон ҳам сўзида турмаган. Бу ҳам етмагандай усмонийларга ёрдам беришган. Шунга қарамай, ўзбек давлати бошлиғи «бургага аччиқ қилмай» европалик мамлакатлар билан борди-келдиларни узмаган. Чунончи, унинг Шарл VI⁵ ва англиялик Ҳенри IV⁶ Соҳибқиронни кўкларга кўтариб мақтаб, унинг усмонийларга қарши курашини юқори баҳолашган.

Шарқда “одил подшоҳ” тушунчаси қадим-қадимдан мавжуд ва халқ ана шундай подшони ҳамisha орзу қилиб келган. Амир Темур ана шундай подшо бўлишга интилди. “Куч – адолатда” сўзлари Амир Темур узугига ўйиб ёзилган ва давлат муҳрида ҳам акс этган эди. “Мамлакат зулмга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди”, – деб ёзганди Амир Темур ўз “Тузуклар”ида. Бу – салтанат шиори. Соҳибқирон бунга қаттиқ амал қиларди. Адолатнинг кучи шунчалар юксак эдики, агар мамлакатда бирор одам бир товоқ олтин ё кумушни бошига қўйиб, мағрибдан машриққача борса, ҳеч ким унга қўл чўзмас, олтин ё кумушдан биттаси ҳам камаймасди.

У ҳар қадамда, хоҳ ўзининг фарзандлари бўлсин, хоҳ бошқа фуқаро – барчага бирдай адолат кўзи билан қарарди. Сафарлардан қайтиб келганда, шахсан ўзи бозорни текширар, агар қассобу баққол, новвойлар ва ҳоказолар фойда топаман деб нарх-навони ошириб юборган бўлсалар, адолат русуми бузилганини кўрса, эл олдида аёвсиз ўша гуноҳкорнинг жазосини берарди. Ёлғон гапни ёмон кўрарди. Адолат тамойилларини бузгани учун ўғли амирзода Мироншоҳ, набиралари амирзода Пирмуҳаммад, Султон Ҳусайн Мирзолар жазоланганлари тарих китобларидан маълум. Муаррих Низомиддин Шомий “Зафарнома”да Амир Темурнинг 1366 йилда, ҳали давлат тахтига чиқмасдан тўрт йил аввал айтган шундай сўзларини келтиради: “Қайси бир подшоҳ ўз ишини ғаддорлик ва бевафолик асосига қурса, кишиларга озор бериш ва ҳалок қилишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб, қарорсизликка юз тутади... Биз ўз салтанатимизни одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига қураётганлигимиз сабабли уларни юпантириб, хотиржам қиламиз...”.

Одамларга, демак халққа эътибор бериш ва ҳимоя қилиш – Соҳибқирон адолатининг бош ўзагини ташкил қилар эди.

Ҳамма жойда амалда бўлган “Куч – адолатда” шиори бутун Турон давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган.

Шарл VI Йилдирим Боязид мағлубиятини назарда тутиб, энди биз ўзимизни «ғоятда енгил ва бахтиёр ҳис этмоқдамиз» деб

⁵ Шарл VI — 1380–1422 йилларда Франция қироли.

⁶ Ҳенри IV — 1399–1413 йилларда Англия қироли.



ёзганди. Шу билан бирга, улар Амир Темур таклиф қилган ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш учун тайёр эканликларини билдиришган. Темурийлар етакчиси ҳам асосан, савдо алоқаларини кенгайтириш масаласи билан чекланган. Зеро, икки томон ҳам бир нарсани яхши тушунишган: Амир Темур Йилдирим Боязидни енгизиши билан то шу чоққача усмонийларга у ёки бу шаклда қарам Европа энди кўп жиҳатдан Самарқандга боғлиқ бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам Европа ва Самарқанд ўртасидаги элчилик алоқалари Анқара жангидан сўнг анча фаол тус олган.

Амир Темурнинг европаликларга савдо-сотикда ҳамкорлик қилишни таклиф этиши элчилик тилидан оддийсига ўтказилса «Мен сизларга Йилдирим Боязид каби сиёсий талаб қўймайман, фақат бизнинг савдогарларга ўз юрتلарингизда шароит яратиб берсанглар бўлди», дегани билан баробар эди. Мазкур режа амалга оширилганда эса Хитойдан Атлантика океанигача бўлган савдо йўллари нозорат қилиш имкони туғиларди.

Амир Темурнинг кутилмаганда юз берган ўлими салтанат ва сулола ҳаётининг бир мунча издан чиқишига сабаб бўлиши олдиндан аниқ эди. Негаки бундай кўлам ва важоҳатдаги сиёсий қурилмани шу даражадаги шахсгина эплаши мумкин эди. Аммо бошбошдоқлик нисбатан узоққа чўзилмаган.

Бобоси тўсатдан ўлгани шароитида туғилган саросимадан усталик билан фойдаланган Халил Султон Самарқанд тахтини эгаллаб, Турон ҳукмдорига айланади. Ўз пайтида отаси томонидан Хуросон мулки бошқарувига тайинланган Шоҳрух⁷ Ҳиротни сиёсий марказ қилиб, мустақил фаолият бошлайган. Халил Султон ёш, абжир ва довурак бўлса, Шоҳрухда тажриба устун эди. Пировардида, худди мана шу тажриба ғолиб келади. Кейинги тўрт йил ичида зимдан иш қўрган Самарқанд сиёсий турмушида туғилган ички қарама-қаршиликлар, хатолардан усталик билан фойдаланган ҳолда, 1409 йил 13 май куни Шоҳрух отаси барпо этган салтанат пойтахтига кириб боради ва деярли қон тўкишларсиз ўзбек давлати тизгинини ўз қўлига олади.

Туроннинг Амударёгача бўлган бўлаги ҳокимлигини ўғли Улуғбекка⁸ топширган Шоҳрух салтанатнинг қолган қисмларини бир сиёсий марказ атрофида бирлаштириш ишига киришиши табиий эди. Самарқандда ҳам ўз ҳокимиятини тиклаши бу борада унга анча қўл келганини урғулаш лозим. Чунончи 1411 йили Ҳиндистондан Хизрхон элчиси келиб, Шоҳрух номидан хутба ўқиттириб, танга бостиришни бошлаб юборган ва йиллик солиқ тўлашга розилигини билдирганди.

⁷ Шоҳрух — Амир Темурнинг тўртинчи ўғли; 1409-1447 йилларда ўзбек давлатини бошқарган темурий етакчи.

⁸ Улуғбек – Шоҳрухнинг тўнғич ўғли; 1447-1449 йилларда ўзбек давлатини бошқарган темурий етакчи.



1412 йилдан Сейистон ҳам яна ўзбек давлатига тобелигини тан олади. 1414 йили Исфаҳон, Шероз, 1416 йили Кермон, 1421 йили Озарбайжон ва Кавказда ҳам ўзини тан олдирган Шохрух Соҳибқирон ўлимидан сўнг ўн беш йил деганда салтанатнинг ўзагини тиклашга эришади. 1447 йили юз берган ўлимига қадар ҳозирги Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон, Эрон, Кавказдан иборат катта ҳудудда бошқарув тизгинини бўшаштирмаган.

Ундан сўнг Турон, Хуросон, Эронни бир марказ остида бирлаштиришга уринган Улуғбекка омад кулиб боқмаган. Бу ишни кейинги темурийлар ҳам уддалай олишмаган. Тўғри, Абу Саъид⁹ етакчилиги даврида Самарқанд ва Ҳирот унинг измида бўлгани, темурийларнинг «қонуний ерлари» бўлган Озарбайжонга қўшин тортиб, уни оққўйнулардан тортиб олишга, шу тариқа Эронда яна ўзбек давлати ҳукмронлигини тиклашга урингани маълум. Бироқ айнан мазкур юришда у ўз ажалини топган.

Фурсатдан фойдаланиб қолган Султон Ҳусайн Бойқаро¹⁰ Ҳиротни эгаллайди. Самарқанд тахтига эса Султон Аҳмад¹¹ чиқади ва юз йиллик сўнггигача Турон ва Хуросонда темурийлар сулоласи вакилларининг айро ҳукмронлиги давом этади.

XV аср охири ҳар икки минтақадаги темурийлар учун ички келишмовчиликлар кучайган пайтлар бўлган. Самарқанд тахти учун Абу Саъид набиралари Бойсунғур, Султон Али ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзаро кураш олиб боришган. Хуросонда эса Султон Ҳусайн Бойқаро бир оёғи Марв ва Обиварда, бир оёғи Астрободда бўлиб, ўғиллари кўтарган исёнларни бостириш билан овора эди. Бу ҳам етмагандай Бадахшон ҳокими ҳам ички низолардан фойдаланган ҳолда Балхга зуғум қилиб турарди.

Салтанат бунёдкори – Соҳибқирон Амир Темур Хитой сафарига бораётиб, 1405 йил 11 февраль куни Ўтрор шаҳрига етганда қаттиқ оғриб қолди ва иситмаси кўтарила бошлади. Касаллик кундан-кун кучаярди, аммо Соҳибқироннинг эс-хуши, ақли жойида эди. Соҳибқирон ўзининг барча гуноҳлари учун тавба қилди. У ҳарам аҳлини ва улуғ бекларни ҳузурига чорлаб васиятга оғиз очди: "...Ҳазрат Ҳақдин умидим борки, агарчи гуноҳим кўб турур, аммо бу жиҳатдин менга раҳмат қилғайким, золимларнинг эликларин мазлумлардин қисқа қилибдурмен. Ва қўймадимким, менинг давримда қавийдан (зўравондан) заиф куч егай. Эмдиким, Пирмуҳаммад Жаҳонгирким,

⁹ Абу Саъид — 1451-1469 йилларда ўзбек давлатини бошқарган темурий етакчи.

¹⁰ Султон Ҳусайн Бойқаро — 1469-1506 йилларда Хуросонни бошқарган темурий етакчи.

¹¹ Султон Аҳмад — 1469-1494 йилларда ўзбек давлатини бошқарган темурий етакчи.



валиахд қилибмен ва ўрнумга қойиммақом этибменким, Самарқанд вилояти аниқи бўлғай. ...Анга муте бўлуб, иттифоқ била анинг ишига машғул бўлғайсиз, то олам бузулмағай ва мусулмонларга ташвиш ва заҳмат бўлмағай...

Раъёо ва фуқароу мискин ҳолатидин ғофил бўлмағайсиз... Нечукким мен адлу эҳсон била оламни обод этибмен... Агар менинг васиятим била амал қилиб, адлу дод қилсангиз, кўб йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолғуси турур. Ва агар сизлар аросида муҳолифат бўлса, яхши бўлмағусидур...”[1]¹² деб айтилган маълумотлар учрайди.

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон 1405 йил 18 февраль чоршанба куни, шабон ойининг ўн етисиди, намозшом ва хуфтон орасида жон омонатини ўз эгасига топширди...

Амир Темур Самарқандда Амир Темур мақбарасига дафн этилган.

REFERENCES

1. <https://temurtuzuklari.uz/uz/pages/chronicle>
2. Абдуллаев, К. (2019). Амир Темур: Тарих ва мерос.
3. Бартолд, В. В. (1964). Темур и его время.
4. Beatson, P. J. (2015). The Economic Policies of Tamerlane. *Journal of Asian History*, 49(1), 73-92.
5. Manz, B. F. (2007). Tamerlane and the Politics of Islamic Governance. *Journal of Middle Eastern Studies*, 39(2), 235-251.
6. Рашидов, Т. (2020). Амир Темур ва иқтисодиёт.
7. Собиров, Г. (2018). Амир Темур ва Шарқ-Ғарб муносабатлари.
8. Ziyayeva, D. T. (2016). Amir Temur's Influence on Central Asian Trade Networks. *Central Asian Economic Review*, 14(3), 210-225.
9. Юсупов, Х. Н. (2021). Амир Темурнинг сиёсий ва ижтимоий қарашлари.

¹² Қаранг: <https://temurtuzuklari.uz/uz/pages/chronicle>

